2018 йил 22 январь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (13.610)

Баҳоси эркин нархда

## ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИНИ БЕЛГИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Хабар берилганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19 январь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.**

Сурхондарё вилояти улкан иқтисодий имкониятлари, географик ва транспорт салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтириб, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилаётган бўлса, аграр тармоқда юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг тўкин, обод ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 февраль кунлари вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, кўплаб янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари янги босқичда ривожланишга юз тутди. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишга эътибор янада кучайди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллахона билан танишишдан бошлади. Бу ерда Хитой технологияси асосида пилла етиштирилиб, қайта ишлаш тармоқларига етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилган эди. Уюшма томонидан бугунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида соҳага инновацион ғоя ва технологиялар жорий этилмоқда.

Илғор хорижий тажрибалар асосида 2017 йилда барпо этилган пиллахонада плёнка остида ҳамда сунъий дасталарда саноатбоп хом ашё етиштирилади. Бунда барг сарфи 30 фоизгача камаяди, шу билан бирга, биринчи-иккинчи ёшдаги ипак қурти боқилиб, касаначиларга тарқатилади. Сунъий дасталарнинг афзаллиги шундаки, қурт пиллани стандарт ҳолатда ўрайди.

5 гектарлик қуртхонада 10 киши доимий, 70-75 киши мавсумий ишлайди. Бу ерда 100 бош парранда, 50 қути асалари, шунингдек, чорва моллари, қуён парваришланмоқда.

Ушбу маскандаги тутзор ҳам инновацион усулда, 0,90x0,20 схемаси асосида ташкил этилган. Бунда бир гектарга 55 минг тупдан зиёд тут кўчати ўтқазилади ҳамда йилига уч марта барг олинади. Шу асосда вилоятда йилига 2-3 марта пилла етиштириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Президентимиз "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилгандан сўнг пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасида ижобий қадамлар ташланаётганини таъкидлади. Тармоқда эришилаётган ютуқларда соҳа учун пухта ҳуқуқий асос яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили пилладан мамлакатимизда илк бор тажриба тариқасида уч марта ҳосил олишга эришилди. Барча ҳудудларда қуртхона мажмуалари қурила бошланди. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 51, мамлакатимиз бўйича 151 пиллахона мавжуд.

Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилда пиллахоналарни 10 мингтага, пилла экспортини йилига 1 миллиард долларга етказиш зарурлигини қайд этди. Бунинг учун мавжуд тутзорларнинг барчаси "Ўзбекипаксаноат" уюшмасига берилади. Ҳар бир тутзорда биттадан пиллахона қурилади. Тут қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинлари экилади.

Вилоятнинг ўтган йили пиллачиликда юқори самарадорликка эришган фаол пиллакорларига Президентимиз совғаси сифатида 12 та "Damas" автомобили ҳамда иккита қишлоқ хўжалик техникаси топширилади.

Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иссиқхоналар, анорзорлар, ёнғоқзорлар, интенсив боғ ва токзорлар, коврак ва писта плантациялари, балиқчилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этиш, ер ўлчашда дронлардан фойдаланиш каби лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида интенсив технологиялар асосида истиқболли лойиҳаларни изчил амалга ошириш, халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, вилоятда янги тармоқларни ўзлаштириш ҳисобига иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда Россия, Австрия, Исроил ва бошқа давлатлар ишбилармонлари билан вилоятдаги инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорлик ишлари бошланган. Президентимиз ишбилармонлар билан суҳбатда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш ва хорижий инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор туфайли ташқи бозорда Ўзбекистоннинг шериклари кўпайиб бораётганини, Сурхондарё вилоятида ҳам улар учун қулай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев вилоятга аввалги ташрифи чоғида балиқ, тухум ва парранда гўшти етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги лойиҳалар билан танишиб, зарур тавсиялар берган эди. Тақдимот чоғида ана шу лойиҳалар ижроси атрофлича муҳокама этилди. Боботоғ ўрмон хўжалиги ерларида пистазор, бодомзор ва ёнғоқзорлар, коврак плантациялари барпо этиш, "ўсимликлар клиникаси" ташкил этиш орқали аҳоли томорқасида етиштирилаётган мева-сабзавот экинларини зараркунанда ҳашаротлардан асраш каби лойиҳалар юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Президентимиз Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Зиёрат чоғида Қозоғистоннинг Актюбинск вилоятида юртдошларимиз вафот этганидан чуқур қайғуда эканини айтиб, уларнинг яқинларига таъзия билдирди.

Марҳумлар ҳақига Қуръон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёев "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли "Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда "ASG Group" корхоналар уюшмаси таркибида 18 корхона фаолият юритади. Уларнинг 6 таси Сурхондарё вилоятида ташкил этилган. Мазкур корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. 2016-2017 йиллар Хитой, Афғонистон, Покистон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Туркия ва МДҲ давлатларига 74 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилган. Жорий йил экспорт ҳажмини 150 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли 2 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Келгусида Денов, Сариосиё, Олтинсой, Ангор, Музработ туманларида ҳам йирик логистика марказларини ишга тушириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига "Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт" масъулияти чекланган жамиятининг Денов туманида 2018 йилда ташкил этиладиган картошкани Франция интенсив технологияси асосида етиштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Франциядан биринчи авлод картошка уруғлари келтирилиб, 2 минг гектар майдонга экилади. Томчилатиб суғориш усули жорий этилади. Бунда сув ресурслари сарфи тўрт баробар тежалишига эришилади. Бир гектар ердан камида 50 тонна ҳосил олиш мумкин.

Лойиҳа қиймати 240 миллиард сўм. 60 миллиард сўми корхонанинг ўз маблағи, 180 миллиард сўми банк кредитидир. Лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, 1,5 минг иш ўрни яратилади.

Президентимиз қишлоқ хўжалигига илмий асосда ёндашиш юқори самарадорликка эришиш, аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил бўлишини таъкидлади. Соҳага интенсив технологияларни янада кенгроқ жорий этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

"Ангор Сурхон ғурури" томонидан тўқимачилик кластери ташкил этиш лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Бунда 3,5 минг гектар ерда юқори рентабелли интенсив толали пахта навлари етиштириш мўлжалланмоқда. Юқори технологиялар асосида ҳосилдорликни 50-60 центнерга ошириш, ҳосилни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ушбу корхона томонидан 40 гектар майдонда лимон, шафтоли, қулупнай, кўкат етиштириш бўйича иссиқхоналар ташкил этиш лойиҳаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

"ASG-Surxon exsport-import savdo" корхонаси томонидан бўз ва суғорилмайдиган ер майдонларида томчилатиб суғориладиган интенсив боғлар ташкил этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди. Олинган маҳсулот қайта ишланиб экспортга йўналтириш мақсад қилинган.

Мазкур йўналишда 2018 йилда 900, 2019 йилда 1 минг 150 гектар майдонда интенсив боғлар яратилади. Айни пайтда амалий ишлар бошлаб юборилган. АҚШ, Исроил ва Туркиядан мутахассислар жалб қилинган. Режалаштирилган 9 қудуқдан 3 тасида бурғулаш ишлари якунланди.

Шу ерда Термиз шаҳри бош режаси асосида кўп қаватли уйлар, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Оталар чойхонаси, масжид қуриш, "Хўжаипок" туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш, замонавий канализация тармоқлари ётқизиш, вилоятда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, уй-жой мулкдорлари фаолиятини такомиллаштириш, Денов шаҳрининг Шароф Рашидов номидаги кўчасини қайта қуриш, кўча атрофида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини уй-жой билан таъминлаш доимий эътиборда бўлиши лозимлигини қайд этди. Қурилаётган уйлар нархини янада арзонлаштириш, бунинг учун маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш керак, деди Президентимиз.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЁҒ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш бозорни сифатли, хавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, хом ашё базасининг чекланганлиги, жумладан муқобил ёғ олинадиган экинлардан етарлича фойдаланмаслик ёғ-мой корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солишни таъминлаш ва бозорнинг сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қаноатлантириш имконини бермайди.

Ёғ-мой корхоналарида замонавий технологияларнинг паст даражада жорий этилганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини лозим даражада назорат қилиш ва ҳисобини юритишга тўсқинлик қилмоқда, хом ашё ва тайёр маҳсулотларни талон-торож қилиш ҳолатларига, шунингдек, бошқа суиистеъмолчиликларга олиб келмоқда.

Хом ашё ресурслари ва тайёр ёғ-мой маҳсулотларини тақсимлашнинг самарасиз ва замонавий бозор принципларига жавоб бермайдиган механизми кўп сонли чайқовчилик бўғинлари ва бозорда сунъий тақчиллик юзага келишига ҳамда оқибатда ёғ-мой маҳсулотлари нархининг асоссиз ўсишига олиб келмоқда.

Ёғ-мой тармоғини замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантиришни таъминлаш ва ёғ-мой саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси вазифаларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш тизимларини ўрганиш натижалари;

"Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКга тегишли бўлган "Ўзпахтаёғ" АЖ устав капиталидаги улуш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3408-сон қарорига мувофиқ давлат мулкига номинал қиймат бўйича ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ресурс базасини кенгайтириш, ёғ-мой корхоналаридаги асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва ҳисобини юритишнинг замонавий тизимлари билан жиҳозлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг:

шрот ва шелухани сотиш бўйича "Озуқа ем таъминоти" МЧЖ корхоналарини тугатиш;

кейинчалик саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстрактли пахта ёғи биржа савдолари орқали фақат "Ўзпахтаёғ" АЖ корхоналарига сотилиши ҳақидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. 2019 йил 1 январга қадар муддатга ўсимлик ёғини ишлаб чиқарувчилар импорт ёғ-мой хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва "Ўздонмаҳсулот" АЖ билан биргаликда икки ой муддатда омухта ем ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича, жумладан:

омухта ем ишлаб чиқариш юзасидан амалдаги қувватларни инвентаризациядан ўтказиш;

омухта ем ишлаб чиқариш учун бозордаги эҳтиёж ва мамлакатда мавжуд бўлган ресурс базасини ўрганиш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик секторлари бўйича омухта ем тайёрлашнинг илмий асослантирилган рецептураларини ишлаб чиқиш;

маккажўхори ва бошқа бошоқли дон экинларидан, шунингдек, ёғ-мой, ун маҳсулотлари, спирт ва пиво ишлаб чиқаришдаги чиқиндилардан омухта емнинг замонавий саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда:

чигитни қайта ишловчи ёғ-мой корхоналарини чигитни юклаш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини реал вақт режимида кузатиш, жумладан хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ўлчаш ва ҳисобини юритиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлар билан;

чигит, пахта ёғи, шрот ва шелухани ташийдиган юк автомашиналарининг ҳаракатланишини реал вақт режимида мониторинг қилиб бориш учун уларни замонавий GPS трекерлар билан жиҳозлаш бўйича чоралар кўрсин.

7. "Ўзпахтаёғ" АЖ Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 8-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т.Мирзаев, Н.С.Отажонов ва С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 19 январь*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, турли соҳалар мутахассислари ҳамда тадбиркорлар иштирокида амалий мулоқот ўтказилди.**

**• Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб "Ислом Каримов – истиқлол меъмори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

**• Термизда Сурхондарё вилоятидаги олий таълим муассасаларининг чин етим, етим ёки ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг энг фаол талаба-ёшлари ўртасида касаба уюшмалари стипендияси учун танлов бўлиб ўтди. Танловда Термиз давлат университети техника факультети 2-курс талабаси Отабек Темиров ғолиб бўлди. У олти ой давомида энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида касаба уюшмалари стипендиясини олади.**

**• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида "Хошамет – 2017" мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан таъсис этилган мазкур мукофот ижтимоий-сиёсий, маданият, санъат, журналистика, спорт ва тадбиркорлик соҳаларида катта муваффақиятга эришаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Мукофот 24 номинация бўйича ўз эгаларига топширилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Қалин қор ёғиши ва кучли бўрон натижасида Шимолий Осетиядаги Ҳарбий-грузин йўлида автомашиналарнинг ҳаракати тўхтатилди.**

**• Улан-Удэда 130 кишининг овқатдан заҳарланганлиги учун "Шулэндо" кафелар тармоғи тўқсон кунга ёпилди.**

**• Ёқутистонда ҳаво ҳарорати тобора совиб бормоқда. Хусусан, Оймякон посёлкасида ҳарорат – 65 даражага чиқди. Шундай бўлсада, маҳаллий ансамбль аъзолари бўлмиш "моржлар" музламайдиган кўлда чўмилишдан чўчишмади. Таъкидлаш жоизки, Оймяконда ҳавонинг рекорд даражада совуқ бўлиши 1938 йилда қайд этилган бўлиб, ўша пайтда бу ерда -77,2 даражадаги ҳаво қайд этилган.**

## ҲАМДАРДЛИК

***Қозоғистон Республикасининг Актюбинск вилоятида 2018 йил 18 январь куни содир бўлган фожиа оқибатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳалок бўлгани муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарлари номидан ҳамдардлик мактублари келмоқда.***

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номига Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Венгрия Президенти Адер Янош, Чехия Республикаси Президенти Милош Земан томонидан йўлланган самимий ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлаш сўзлари битилган мактублар келди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари ўз мактубларида Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар уларни чуқур қайғуга солганини таъкидлаган. Содир бўлган фожиа муносабати билан улар Ўзбекистон Президенти, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинлари, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик изҳор этган.

Ҳамдардлик номалари келиши давом этмоқда.

**ЎзА**

# ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИНИ БЕЛГИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Термиз шаҳри бош режаси доирасида 30 та етти қаватли уй қурилиши белгиланган эди, аҳоли талаби инобатга олиниб, Президентимиз кўрсатмаси бўйича яна 32 та етти қаватли уй қуриладиган бўлди. Шунингдек, ичимлик суви бўйича кўзда тутилган лойиҳани имкон қадар тезроқ амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги "Bio Texno Eco" масъулияти чекланган жамиятининг маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

Завод Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидан чиқиндиларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари, илғор технологияларни ўрнатиш, махсус чиқинди ташиш техникаларини харид қилиш учун 8 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Корхона йилига 182 минг тоннадан ортиқ чиқиндини саралаб, қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда ишлатилган пластмассадан полиэтилен қувурлар, шишадан мозаика ва плиткалар, ёғочдан брикет, қоғоз чиқиндисидан картон ва қоғоз, озиқ-овқат чиқиндисидан биогаз ҳамда биогумус ишлаб чиқарилади. Корхона шу йилнинг январь ойи охирида иш бошлаши режалаштирилган. Айни пайтда 150 киши ишга қабул қилинган. Завод тўлиқ ишлай бошлагач, яна 250 киши иш билан таъминланади.

Шу ернинг ўзида вилоятда гидроэнергетика, кўмир саноати ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Бойсун туманида жойлашган "Марказий" ва "Шарқий" участкаларида тошкўмир қазиб олишни ташкил этиш лойиҳасининг тахминий қиймати 50 миллион долларни ташкил этади. Уни 2020 йилда фойдаланишга топшириб, йилига 450 минг тонна кўмир қазиб олиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳанинг ўзлаштирилиши тоғли туманда 320 кишининг бандлик масаласини ҳал этади.

"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти вилоятда янги саноат корхоналарини барпо этиб, замонавий иншоотлар учун тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтирмоқда. Акциядорлик жамияти 2018-2019 йилларда цемент ишлаб чиқарадиган иккита корхона лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда. Вилоятда бой захирага эга қамишни қайта ишлаб, плиталар тайёрлашни рағбатлантираётир. Лойиҳалар амалга ошса, 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. 161,4 миллиард сўм бюджетга тушумлар тушиши таъминланади.

Музработ туманида "Surxon KSP Grand" МЧЖ томонидан қамишдан ҚЗП ва ЛҚЗП (ДСП) маҳсулотини ишлаб чиқариш комплекси ташкил этилаётгани самарасида вилоят ҳудудида ўсадиган қамиш қайта ишланиб, қурилиш иншоотлари учун зарур арзон ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Йилига 150 минг квадрат метр қамиш заррачали ва ламинация қилинган плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 400 киши доимий, 5 минг киши мавсумий иш билан таъминланади.

Шеробод туманидаги Жерданак конидан олинадиган минерал бойликларни қайта ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш лойиҳасини вилоятдаги "Сурхон Термиз Чинни", "Сурхон Каолин" ва "Surxon-Keramiks" масъулияти чекланган жамиятлари амалга оширади. Хусусан, "Сурхон Термиз Чинни" МЧЖ лойиҳасининг умумий қиймати 12,5 миллиард сўм. Унинг 8,5 миллиард сўми тижорат банкининг кредит маблағи бўлиб, йилига 6 миллион донадан ортиқ чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. "Сурхон Каолин" жамияти томонидан рўёбга чиқарилиши кўзда тутилаётган янги лойиҳа йилига 20 минг тоннагача турли минерал бойликларни қайта ишлайди. Бу ерда бойитилган импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот мамлакатимиз чинни буюмлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда ўтга чидамли ғишт ва плита ишлаб чиқарувчи корхоналар, жумладан, "Surxon-Keramiks" жамиятига етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари Шеробод туманида "Euro med plus" хусусий диагностика ва даволаш маркази фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида олис қишлоқлар аҳолисига ҳам замонавий, юқори технологик ташхис қўйиш ва даволаш имконияти яратилмоқда.

Шу кунларда фойдаланишга топширилган мазкур тиббиёт муассасаси компьютер томографи, рақамли рентген, ультратовуш текшируви, видеогастроскоп, видеокольпаскоп ускуналари билан жиҳозланган. Шунингдек, беморларни ультратовуш, электр, магнит, лазер билан даволаш, умуртқа чурраларини тракцион чўзиш йўли билан соғломлаштириш имкониятлари мавжуд. Келгусида бу ерда жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда шошилинч ҳолатларда беморлар Термиз шаҳридаги тиббий марказларга бориб келиш ташвишидан қутилди. Агар 182 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Шеробод, шунингдек, қўшни Музработ, Бойсун, Ангор, Қизириқ туманларида тез ва аниқ ташхис қўйишда зарур бўлган замонавий ускуналар етишмаслигини ҳисобга олсак, мазкур тиббиёт маскани фаолиятининг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Ушбу марказда тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун амалиёт маркази ташкил этилган бўлиб, улар бу ерда назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари клиника имкониятлари билан танишар экан, мазкур шифо маскани билан пойтахтимиздаги "Akfa Medline" клиникаси ўртасида ҳамкорликни, тажриба алмашишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев туманнинг Тароқли маҳалласида ҳам бўлиб, "Покиза" нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишди.

Тадбиркор Абдуқодир Норбеков барпо этган ушбу муассаса мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёқарашини шакллантириш учун ҳар томонлама қулай ва шинам қилиб жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари боғчада кичкинтойлар ва педагог-тарбиячилар учун яратилган шароит, тарбия жараёни қандай йўлга қўйилгани билан қизиқди. Бу ерда кичкинтойларнинг соғлом бўлиб улғайиши учун имкониятларни янада кенгайтириш, ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этиш зарурлигини таъкидлади. Туманда аҳолининг талаб-истакларини инобатга олиб, яна 10 нодавлат мактабгача таълим муассасаси қуриш ва болаларни уларга қамраб олишни кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Боғчалар қурилиши учун "Ўзмиллийбанк" томонидан 25 миллиард сўм кредит ажратилади.

Президентимиз Исо Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Ушбу қадамжо ёнида бунёд этилган масжидни кириб кўрди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга олдинги ташрифи чоғида режалаштирилган мазкур масжид кенг ва ёруғ қилиб қурилган.

Президентимиз бундай эзгу ишлардан Термизий бобомизнинг руҳи шод бўлиши, бу масканга келган одамнинг руҳи кўтарилиб, эътиқоди мустаҳкамланишини таъкидлади.

Қизириқ тумани марказида Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**



КРИСТАЛИНА ГЕОРГИЕВА:

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМАН

***Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 январда Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.***

Кристалина Георгиева давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдирди:

– Ўзбекистонга мамлакатни ўзгартиришга сиёсий иродаси кучли инсон раҳбарлик қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ривожланиш истиқболини кўра билиш қобилиятига эга. Уйланган барча мақсадларга эришишга қалб билан ёндашади.

Ўзбекистонда валюта курсини либераллаштиришга оид сиёсат тўғри танлангани амалда ўз исботини топмоқда. Бизнес вакиллари бу иқтисодиёт ва савдони ривожлантириш учун улкан имкониятлар очаётганини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Президентининг мақсади аҳолининг имкониятлари, истеъдодини рўёбга чиқариш имконини берадиган ислоҳотларни амалга оширишдан иборат. Яъни одамлар ҳаётнинг турли соҳаларида ўз салоҳиятларини тўла намоён этсин. Ўзгаришларга қаратилган юксалиш жуда муҳимдир. Якунига етган йил эса мамлакатда жиддий ўзгаришлар даври бўлди.

Жаҳон банки Ўзбекистондаги фаолиятини салмоқли даражада кенгайтиришга тайёр. Биз мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жиддий эканига ишонамиз ва уларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Дунёда рақобатбардош бўлиш осон эмас, лекин халқ жипслашса, сиёсий ирода ва келажакка ишонч бўлса, бунга эришиш мумкин. Мен Ўзбекистонга жаҳоннинг энг илғор давлатлари орасида бўлишини чин дилдан тилайман.

Ўзбекистон Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш – 2018" (Doing Business 2018) рейтингида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида жаҳоннинг етакчи ўнта мамлакати қаторига кирди. Мамлакат юксалди. Бу ўзгаришлар руҳини ифодалайдиган яхши кўрсаткичдир.

**ЎзА**

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

***Сеул шаҳри мэриясининг халқаро алоқалар бўлими вакили Жонг Мун Баик бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига ташриф буюрди.***

Жанубий Корея делегацияси Халқ қабулхонасида давлат хизматларини тақдим этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни, аҳоли учун яратилган шароитлар, шикоят ва аризалар ижросини назорат қилиш механизми билан яқиндан танишди.

Халқ қабулхонасида аҳолидан тушаётган мурожаат, ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча ташкилий жараён ягона марказлашган тизим ёрдамида амалга оширилади. Аҳолига қўшимча қулайлик яратиш имконини бераётган кутиш, тиббиёт, она ва бола, ногиронларни қабул қилиш хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Шикоятларни қабул қилиш секторлар бўйича олиб борилиши фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида, давлат органлари, муассасалари ва мансабдор шахслар фаолиятидаги қонун бузилишларини аниқлаш, турли соҳалардаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини бермоқда.

Меҳмонларга мурожаатчиларни рўйхатга олиш, навбатни ташкил этиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича дастур ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича келишувлар доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Рақамли офис", фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ўрганиш, давлат хизматларини тақдим этиш бўйича тизимларни татбиқ қилиш кўзда тутилган, – дейди Сеул мэрияси давлат хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари Сунг Гео Парк. – Халқ қабулхонаси билан танишиш асносида унинг фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, мурожаатлар билан ишлашнинг электрон тизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигида бўлиб, "Ҳудуд" автоматлаштирилган ахборот тизими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун яратилаётган "Обод уй" дастури, 1055 хизматида АКТнинг жорий этилганини ўрганишди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

***Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида Тошкент шаҳар прокуратураси, Прокуратура ҳузуридаги Департамент, Мажбурий ижро бюроси, Молия бош бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Солиқ қарзининг пайдо бўлиш сабаблари, тўловларни амалга оширишда учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш" мавзусида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди.***

Мазкур учрашувда солиқ қарзининг пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишлар учун буюртмачи томонидан шартномада келишилган пул маблағларини тўлиқ ўтказиб бермаганлиги натижасида ҳосил бўлганлиги, яъни дебиторлик қарз ва уларни Солиқ Кодексининг 64-моддасига мувофиқ ундирувни қарздорнинг дебиторига қаратиш кераклиги кўриб чиқилди.

Йиғилишда 33 та қурилиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда асосий буюртмачи томонидан ўз вақтида молиялаштириш масаласи кўрилмасдан қолинаётганлиги муаммоси тилга олиниб, Молия бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилиши ва бюджетдан молиялаштириладиган 22 та корхоналарда ўтказилган текширувлар натижасида ҳосил бўлган 350 млн. сўм солиқ қарзини қоплаш мақсадида 2018 йил учун тузиладиган харажатлар сметасида акс эттириш масаласи борасида Молия ва Халқ таълими бош бошқармаларига тегишли таклифлар берилди.

– Таъкидлаш жоизки, мунтазам равишда ўтказилаётган ушбу мулоқотларнинг асосий мақсади, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўзларининг фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда қонун билан белгиланган солиқларнинг ўз вақтида тўланиши, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлашдан иборат, – дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Жаҳонгир Раджабов. – Шу мақсадда бугунги учрашувга Тошкент шаҳридаги 54,6 млрд. сўм солиқ қарзи мавжуд 160 та корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ва бош ҳисобчилари таклиф этилди.

Тадбирда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида ҳосил бўлган солиқ қарзи қўшимча равишда харажатлар олиб келиши, мажбурий ундирув чоралари қўлланилиши натижасида уларнинг фаолиятига молиявий таъсир кўрсатиши, бундан ташқари, тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик туфайли корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиниши прокуратура органлари томонидан кўриб чиқилиши тушунтирилди.

Йиғилишда солиқ тўловчиларга 2018 йилда солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлар юзасидан маълумот берилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**




# ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИГА ЭҲТИРОМ

***Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб "Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.***

Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси томонидан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди ва Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таниқли олим ва мутахассислар, касб-ҳунар таълими тизими ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг рафиқаси Т.Каримова, Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари М.Қуронов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг буюк фарзанди, мустақиллигимиз асосчиси Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг хотирасига юксак эҳтиромнинг яққол намунаси эканини таъкидлаб, қарор ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда изчил ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, халқимизнинг азиз фарзанди Ислом Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимизнинг озодлиги, тинчлик-осойишталиги, халқимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун бахшида қилди. Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиши, мустақиллик йилларида халқимиз улкан ютуқ ва марраларга эришиши – буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ.

Бундай инсоннинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳам шараф, ҳам фарздир. Зеро, Ватанимиз, халқимизга бутун борлиғини бахшида қилиб, фидойилик кўрсатиб яшаган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида, мустақилликка садоқатли қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

– Биринчи Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни яхши кўрар, келажагимиз эгалари, дея юксак ишонч билдириб, иқтидор ва салоҳиятимизни юзага чиқариш учун ҳеч нарсани аямас эди, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси, Ислом Каримов номидаги Давлат стипендияси соҳиби Шоҳжаҳон Юсупов. – Бугун бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янги, юксак босқичга кўтарилди. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш, бор куч ва салоҳиятимизни Ватанимиз тараққиёти йўлида сафарбар этиш фарзандлик бурчимиздир.

Тадбирда "Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйиб, мамлакатимиз Биринчи Президенти хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# РОССИЯЛИК ШИФОКОР ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗДИ

***Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида дунёнинг етакчи отохирургларидан бири – россиялик Владислав Кузавков иштирокида 7 нафар бемор болада кохлеар имплантация операциялари бажарилди.***

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Владислав Кузавков томонидан олиб борилган маҳорат дарсларида кохлеар имплантация операцияларининг ижобий натижаси амалиётдан кейинги реабилитацияга боғлиқ эканлиги таъкидланди. Операциядан кейинги даврда амалга ошириладиган муолажаларни тўғри ва ўз вақтида бажариш натижасида болаларда туғма ва орттирилган эшитиш заифлиги хасталиги самарали даволанади. Ташкил этилган тиббий кўрикда 30 дан ортиқ беморнинг ҳолати чуқур ўрганилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу амалиёт мамлакатимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, бугунги кунгача Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан 400 дан зиёд болада кохлеар имплантация операциялари ўтказилган ва 90 фоиз ижобий натижага эришилган. Бунинг учун Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг 40 ўринга мўлжалланган махсус "Туғма ва орттирилган ЛОР аъзолари касалликлари" бўлимида кохлеар имплантацияларини ўтказиш учун барча шароит яратилган.

**М.ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Тошкент вилоятидан келиб таҳсил олган битирувчиларни амалиётга кузатиш тадбири бўлиб ўтди.*



# ЁШ ТИББИЁТ МУТАХАССИСЛАРИ ИШ БОШЛАМОҚДА

Тошкент тиббиёт академиясининг бакалавриатура босқичини тамомлаган 62 нафар, клиник ординатурани тугатган 9 нафар, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 39 бакалавриат ва 16 нафар клиник ординатура битирувчилари доимий яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларида иш бошлайди.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида юртимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тизимида кадрлар тақчиллиги сезилмоқда. Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 11 мингдан зиёд тиббиёт соҳаси мутахассисларига эҳтиёж мавжуд. Шу сабабли Президентимиз ташаббуси билан бирламчи тизимда кадрлар таъминотини яхшилаш мақсадида 2018 йил 3 мингдан зиёд бакалавриат битирувчисининг қарийб 80 фоизи бирламчи тизимга жалб этилди.

Жорий йил тиббиёт олий таълими муассасаларининг битирувчилари ва клиник ординаторларининг ҳудудлар кесимида манзилли рўйхати шакллантирилди. Халқимиз манфаатини кўзлаб қилинган ушбу ҳаракатлар кадрлар сифатига таъсир қилмаслиги учун улар мутахассислик бўйича пухта тайёрланди. Шунингдек, 2018 йил январь ойининг биринчи ўн кунлиги давомида барча ишга йўлланиши лозим бўлган битирувчилар ўртасида якуний давлат аттестациялари ўтказилди. Ёш мутахассислар 2018 йилнинг 8 январидан бошлаб ўз иш жойларида фаолият бошлаши учун уларни уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича барча зарур чоралар амалга оширилди.

Ўтказилаётган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида истиқболда умумий амалиёт шифокорлиги бўйича бўш ўринлар 88 фоиз, тор мутахассисликлар бўйича эса 55 фоиз қопланиши кутилмоқда.

Айни кунларда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларга ишга йўлланувчи битирувчилар, клиник ординатор мутахассисларга тиббиёт таълимини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар топширилиши ва жойларга кузатиш маросимларига катта тайёргарликлар кўрилмоқда. Битирувчиларнинг иш бошлашлари учун барча шароит яратилган.

**Улуғбек АСРОРОВ**

## Ахборот-коммуникация технологиялари

# ТРАФИК НАРХЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

***Интернет тармоғида маҳаллий сегментни янада ривожлантириш, мамлакатимиз электрон тижоратини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш юқори тезликдаги кенг полосали интернетдан фойдаланиш даражасини ошириш ва интернет-трафик нархларини камайтиришни тақозо этади.***

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, интернет тармоғидан фойдаланиш нархларини белгилашда қатор муҳим омиллар алоҳида аҳамият касб этади. Аввало, миллий оператор маҳаллий абонентларнинг сифатли интернетдан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида халқаро бозордаги телекоммуникациялар операторларидан қўшимча сиғим харид қилади. Бунда алоқа канали камида икки давлат чегараси орқали ўтади. Натижада интернет хизматлари нархи сезиларли даражада ошади. Шу боис, ҳозирги кунда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси тармоқдан фойдаланиш барқарорлигини ошириш мақсадида Франкфурт (Германия) ва Гонконг (Хитой)да жойлашган дунёнинг йирик алоқа операторларигача бўлган захирадаги шахсий алоқа каналларини очиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Бунда хорижий давлатларда мамлакат ҳудуди учун интернет-трафикни маҳаллийлаштириш 60 фоиздан кам эмаслигини ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этади. Шу боис, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси дунёнинг машҳур интернет-ресурслари ва порталларини маҳаллийлаштиришни режалаштирмоқда. Айни пайтда сифатли миллий контентни янада ривожлантириш учун шароит яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Компанияда миллий контентнинг ўрнини оширишга йўналтирилган лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, мазкур ресурслар билан алоқа ўрнатиш масалаларини ҳал этувчи пиринг маркази ташкил этилмоқда.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан 2018 йилда нархларни камайтиришга оид аниқ режа ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро операторлар билан мунтазам равишда халқаро каналлар ижарасига доир нархларни оптималлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Шунга мувофиқ, интернет тарифлар нархларини пасайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилаётир.

**Роман БОНДАРЧУК**

# ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛДИ

***Учтепа туманидаги 26-оилавий поликлиника шифокорлари томонидан "Дегрез" маҳалласида "Патронаж хизмати ҳафталиги" доирасида фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тадбири ташкил этилди.***

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни патронаж хизмати ва тиббий профилактик кўриклар билан қамраб олишдан иборат. Тиббий кўрик давомида ушбу поликлиниканинг малакали шифокорлари, жумладан, нев-ропатолог, окулист, стоматолог, эндокринолог, кардиревматолог, оториноларинголог, хирург сингари тор мутахассислар маҳалла фуқароларининг саломатлиги бўйича мурожаатларини ўрганди.

— Учтепа туманидаги "Дегрез" маҳалласида 4625 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди 26-оилавий поликлиника бош шифокори Сурайё Холматова. — Патронаж хизмати аҳоли ўртасида турли юқумли ва сурункали касалликларнинг олдини олиш, уларнинг тиббий маданияти, саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшади. Тиббий профилактик тадбир давомида поликлиникамизга бириктирилган аҳоли вакиллари тўлиқ қамраб олинди ҳамда уларга зарур тиббий маслаҳатлар берилди.

Турли касалликка чалинган 66 нафар беморга соғломлаштириш режаси асосида амбулатор шароитда даволаниш учун кўрсатмалар берилди.

**Мухлиса ҲУСАНОВА**

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанларидан таянч мактаблари фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ТАЯНЧ МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Халқ таълими вазири У.Иноятов аниқ, табиий, гуманитар, филология фанларидан таянч мактаблари фаолиятини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар, таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифлари чоғида таълим тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитиш сифатини янада ошириш умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига мунтазам амалий-методик ёрдам кўрсатиш механизмини йўлга қўйиш, ўқитишнинг илғор услубларини дарс жараёнларига татбиқ этишни талаб этади.

Ушбу масалалар ижроси доирасида ҳар бир туман ва шаҳарда замонавий услублардан кенг фойдаланаётган мактаблар орасидан аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанлари йўналиши бўйича биттадан таълим муассасаси таянч мактаби сифатида белгиланди. Мазкур муассасаларда фан йўналишлари бўйича бир ойда икки маротаба ўқув-семинар ва тренинг машғулотлари ташкил этиш орқали ўқитувчиларнинг малакаси узлуксиз ошириб борилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда жойларда таянч мактабларини ташкил этиш, уларнинг мақсад ва вазифалари, фаолиятида самарадорликка эришиш омиллари, таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Бундай мактабларга методик хизмат кўрсатиш мақсадида А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида таянч мактаблари ўқитувчилари учун мақсадли сайёр ўқув курслари ташкил этиш режалаштирилган. Эндиликда таянч мактаб ўқитувчилари Республика таълим маркази томонидан таянч мактаблар учун ишлаб чиқилган ўқув материаллари асосида курс материаллари, ўзини ўзи синовдан ўтказиш назорат ишлари ва бошқа зарурий маълумотларни innovasiya.masofa.uz порталидан олиши мумкин.

Видеоселекторда таянч мактаблар фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига асосан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар РЎЙХАТИ**

| № | Объект номи | Жойлашган манзили (туман, кўча, уй рақамлари) | Бўш турган ер майдони (кв.м) | Шундан бино ва иншоот майдони (кв.м) | Ҳозирги кунда мулк эгаси |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Шайхонтоҳур тумани** | | | |
| 1 | Савдо ва маиший хизмат | Навоий кўчаси, 30а-уй | 123 | 178 | Сатторов Т.И |
| 2 | Маъмурий бино | Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй | 168 | 320 | "Кафил" суғурта МЧЖ |
| 3 | Маиший хизмат | Навоий кўчаси, 21-уй | 0 | 80 | Тухлиев Н.К |
| 4 | Ишлаб чиқариш | Авиасозлар кўчаси, 63-уй | 0 | 150 | "O'rama kulcha" МЧЖ |
| 5 | Кафе | Навоий кўчаси, 16- уй | 350 | 350 | "Black Magic Business" МЧЖ |
| 6 | Маъмурий бино | Халқлар дўстлиги кўчаси, 4-уй | 281 | 198 | "Покистон Халқаро авиакомпанияси" корпорацияси |
| 7 | Маъмурий бино | Боғ кўчаси, 11а-уй | 0 | 620 | "Носир ўғли" МЧЖ |
| 8 | Ишлаб чиқариш | Боғ кўча | 0 | 405 | "Martens Trading Co" МЧЖ |
| 9 | Ётоқхона ва иссиқхона | Эшон Бобохон кўчаси, 67а-уй | 7538 | 706 | "Dalston Co Limited" МЧЖ ҚК |
| 10 | Собиқ боғча биноси | Қизилғунча кўчаси, 2-уй | 3087 | 596 | "CHILONZOR-TAOM" МЧЖ |
| 11 | Собиқ савдо дўконлари биноси | Беруний кўчаси, 41-уй | 0 | 7915 | "XALQ ISTE'MOL TOVARLARINING KO'RGAZMA-YARMARKA SAVDOSI RESPUBLIKA MARKAZI" АЖ |
| 12 | Бино | Кохота кўчаси, 75а-уй | 1123 | 304 | "AAA GROUP" МЧЖ |
| 13 | Қурилиши тугалланмаган бино | Бунёдкор кўчаси, 8г-уй | 160 | 160 | Мираюбова Назима Мирбариевна |
| 14 | Қурилиши тугалланмаган бино | Гулобод мавзеси | 478 | 300 | "TENNIS BIZNES" МЧЖ |
| | **Жами** | | **13308** | **12282** | |
| | | **Юнусобод тумани** | | | |
| 1 | Офис | 6-мавзе, Жумамасжид кўчаси | 5098 | 1344 | Сариков Шерзод |
| 2 | Ишлаб чиқариш | Қорақамиш кўчаси, 2-уй | 0 | 1350 | "ZENIT" МЧЖ |
| 3 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш | Мирзаобод 1-тор кўчаси, 39-уй | 853 | 538 | Азмуратова Сара |
| 4 | Ишлаб чиқариш | Мактаб кўчаси, 48а-уй | 4818 | 229 | Қурбонов Жаҳонгир |
| 5 | Ишлаб чиқариш | 17-мавзе, 18-уй | 0 | 1500 | "O'ZKOMMUNISSIQLIKTA'MIR" МЧЖ |
| 6 | Кўп қаватли маъмурий бино | 19-мавзе, Деҳқонобод ва ҳалқа йўли кўчалари кесишуви | 8252 | 4260 | "MAXIMUM MED SERVICES TASHKENT" МЧЖ ҚК |
| 7 | Бино | Чинобод кўчаси, 87-уй | 0 | 254 | "TOU KO LTD" МЧЖ ҚК |
| 8 | Ишлаб чиқариш ва маъмурий бино | 18-мавзе, 35-уй, 23-хонадон | 5010 | 2994 | "MIRADON IDEAL" ХК |
| 9 | Ишлаб чиқариш | Бўзсув бўйи кўчаси, 28-уй | 26732 | 217 | "O'ZBEK KONSALT INVEST" МЧЖ |
| 10 | Ишлаб чиқариш | Оқилота кўчаси, 15-уй | 793 | 363 | Тошкент вилояти "MATBUOT TARQATUVHCI" ШК |
| 11 | Ишлаб чиқариш | Чинобод кўчаси, 85-уй | 10411 | 510 | "Super Pack" МЧЖ |
| 12 | Ишлаб чиқариш | Пахтакор кўчаси, 5-уй | 2860 | 1860 | "STS-VOSTOK" МЧЖ ҚК |
| 13 | Ишлаб чиқариш | Бўзсув кўчаси, 1-уй | 11143 | 2677 | "SHIFOBAXSH BULOQ" АЖ |
| 14 | Маданият уйи | ТошГРЭС | 5500 | 2747 | "GLAMUR GOLD" МЧЖ |
| 15 | Собиқ Қозоғистон кинотеатри | Амир Темур шоҳ кўчаси, 86-уй | 1690 | 2524 | "MAK-KUR SERVIS" МЧЖ |
| 16 | Собиқ Юлдуз фабрикаси | Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-уй | 0 | 2500 | "SHARQ-EKSPORT-IMPORT" МЧЖ ҚК |
| 17 | Қурилиши тугалланмаган бино | Боғишамол кўчаси, 90-уй | 1708 | 1500 | "LAZ NASIBAXON" МЧЖ |
| 18 | Қурилиши тугалланмаган бино | 17 мавзе, 26-уй | 715 | 473 | "HUDUD HAMKOR SAVDO" МЧЖ |
| 19 | Қурилиши тугалланмаган бино | Шарофобод кўчаси, 2-уй | 593 | 494 | "PROGRESS STILL" МЧЖ |
| 20 | Қурилиши тугалланмаган бино | 1-мавзе, А.Темур кўчаси | 1428 | 1000 | "REAL MAG SERVIS" МЧЖ |
| 21 | Қандолат цехи | Боғишамол кўчаси, 143-уй | 1486 | 1341 | "Фозилжон агро бизнес" МЧЖ |
| 22 | Цех ва гараж | Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-уй | 1386 | 979 | Yuksel Deniz Otomotiv Petrol Urunleri Limited Şirketi |
| | **Жами** | | **90476** | **31654** | |
| | | **Яккасарой тумани** | | | |
| 1 | Савдо, хизмат кўрсатиш | Ш.Руставели кўчаси, 61-уй | 0 | 40 | Янги мулкдор Даминова Мая Миралиевна (Миралиев Шухрат Артикович) |
| 2 | Маъмурий бино | Ю.Ражабий кўчаси, 77-уй | 9415 | 8885 | "SREDAZPODSHIPNIK" МЧЖ ҚК |
| 3 | Офис, омбор | А.Қаххор кўчаси, 47-уй | 0 | 1500 | "Hiring Servis" МЧЖ |
| 4 | Ишлаб чиқариш | А.Қаххор кўчаси, 44-уй | 6207 | 1199 | "Mega Industry Group" МЧЖ |
| 5 | Хизмат кўрсатиш | Бобур кўчаси, 77-уй | 0 | 1515 | "ALTA VETTA" МЧЖ |
| 6 | Ишлаб чиқариш | А.Қаххор 7-тор кўчаси, 7-уй | 0 | 703 | "SHIFOBAXSH BULOQ" ОАЖ |
| 7 | Савдо дўкони ва офис | А.Қаххор 7-тор кўчаси, 2-уй | 1069 | 418 | Раҳимова И.Х. ва Юлдашева К.Н. |
| 8 | Ишлаб чиқариш | Кичик Бешёғоч кўчаси, 128-уй | 2560 | 1053 | "Zo'r Taasiya" МЧЖ |
| 9 | Ишлаб чиқариш | Братислава кўчаси, 3а-уй | 1605 | 2049 | "Zo'r Taasiya" МЧЖ |
| 10 | Қурилиши тугалланмаган бино | А.Қаххор кўчаси, 48а-уй | 473 | 384 | Юлдашев Ботир А. |
| 11 | Қурилиши тугалланмаган бино | Гавҳар кўчаси, 2а-уй | 409 | 312 | "Беҳрузбек-Муслима" МЧЖ |
| 12 | Қурилиши тугалланмаган бино | Шохжаҳон кўчаси, 5-уй | 1962 | 1200 | "KROKUS LYUKS" МЧЖ |
| 13 | Қурилиши тугалланмаган бино | Ш.Руставели кўчаси, 57а-уй | 250 | 0 | "FOZIL NIZOM" МЧЖ |
| 14 | Қурилиши тугалланмаган бино | Қушбеги даҳаси, 11-уй | 790 | 550 | Талипов З.А. |
| 15 | Савдо дўкони ва офис | Бобур кўчаси, 67-уй | 332 | 632 | Ширинов Мурод Сайфуллаевич |
| 16 | Ишлаб чиқариш | Ш.Руставели кўчаси, 2-тор, 2-уй | 0 | 5271 | "CENTRAL ASIAN CONSTRUCTION" МЧЖ |
| 17 | Ишлаб чиқариш ҳудуди | Бобур кўчаси, 74-уй | 3202 | 1360 | "POLIMER" МЧЖ |
| | **Жами** | | **28274** | **27071** | |
| | | **Яшнобод тумани** | | | |
| 1 | Савдо | Тузель 1-кўчаси, 54-уй | 0 | 150 | "IQBOL PROGRESS" МЧЖ |
| 2 | Цех | Авиасозлар 1-кўчаси, 9-уй | 1982 | 150 | Мушеев Борис Данилович |
| 3 | Бино | Алимкент 1-тор кўчаси, 20-уй | 821 | 150 | "G'ulomjon Neyro Servis" МЧЖ |
| 4 | Савдо | М.Риёзий мавзе | 496 | 150 | "Maxmadrizo" ХК |
| 5 | Ишлаб чиқариш | Сандиқли кўчаси, 54-уй | 13905 | 150 | "ARZANDA" МЧЖ |
| 6 | Хизмат кўрсатиш | М.Хасанова кўчаси 11-уй | 9512 | 150 | "Po'lat - kaspian" НМТМ |
| 7 | Омборхона | Тараққиёт кўчаси, 2-уй | 6418 | 150 | "Асака" ДАТБ |
| 8 | Омборхона | Тараққиёт кўчаси, 2-уй | 1543 | 150 | "Асака" ДАТБ |
| 9 | Ишлаб чиқариш ва маъмурий бино | С.Машҳадий кўчаси, 210-уй | 0 | 150 | "BMKB-AGROMASH" АЖ |
| 10 | Ишлаб чиқариш | Жарқўрғон кўчаси, 39-уй | 0 | 150 | "ADM TEKSTILE" МЧЖ ХК |
| 11 | Ишлаб чиқариш | Жарқўрғон кўчаси, 27-уй | 0 | 150 | "SEYSMO-SERVIS" МЧЖ |
| 12 | База | Жарқўрғон кўчаси, 22-уй | 15003 | 150 | "TEMIRCHI" МЧЖ |
| 13 | Ишлаб чиқариш | Зоҳидон кўчаси, 4-уй | 5082 | 150 | "PRIME SOPONE" ПИИ |
| 14 | Офис | Махзуний кўчаси, 1-тупик 14а-уй | 0 | 150 | "UZTRANSSIGNALQURILISH" МЧЖ |
| 15 | Аптека | Асалобод кўчаси, 2-даҳа, 2-уй | 0 | 150 | "NOVOTEK" МЧЖ |
| 16 | Ишлаб чиқариш | Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | 31860 | 150 | "TOSHKENT QOG'OZI" МЧЖ |
| 17 | Ишлаб чиқариш | Жарқўрғон кўчаси, 22-уй | 24259 | 150 | "SARDOBA AGRO HOLDING" МЧЖ |
| 18 | Маъмурий бино | Уйсозлар кўчаси, 6-уй | 1604 | 150 | Тошкоммуналтаъмирлаш |
| 19 | Медицина | Шоҳсанам кўчаси | 3355 | 150 | "EXPRESS DEAL BROKERS" МЧЖ |
| 20 | Завод бинолари | Мумтоз кўчаси, 5-уй | 34577 | 150 | "TOP SMART LINE" МЧЖ |
| 21 | Ишлаб чиқариш | Қурувчилар кўчаси, 29-уй | 7486 | 150 | "MEHNAT HALOL" ШК |
| 22 | Қурилиши тугалланмаган бино | Содиқ Азимов кўчаси | 1000 | 150 | "XIMREAKTIVINVEST" МЧЖ |
| 23 | Қурилиши тугалланмаган бино | Мирзо Улуғбек кўчаси | 500 | 150 | "SHASTRI SAVDO" МЧЖ |
| 24 | Қурилиши тугалланмаган бино | Истиқбол кўчаси | 1537 | 150 | "Fashion max textile" МЧЖ |
| 25 | Қурилиши тугалланмаган бино | Фарғона йўли кўчаси, 3-тупик 163-уй | 1903 | 150 | "REPROCESSING-UZ" МЧЖ ҚК |
| 26 | Қурилиши тугалланмаган бино | Бешариқ кўчаси | 2247 | 150 | "RAMESH BIZNES PLUS" МЧЖ |
| 27 | 2 қаватли бино | Чиғил кўчаси, 2-уй | 637 | 150 | "Nodirxon Unversal servis" МЧЖ |
| 28 | Ишлаб чиқариш | М.Ашрафий кўчаси, | 4315 | 150 | "SBS-INFOSOFT" МЧЖ |
| 29 | Савдо ва хизмат кўрсатиш | Фарғона йўли ва Боку кўчалари кесишуви | 500 | 150 | "NURMUHAMMAD SERVIS" МЧЖ |
| 30 | Ишлаб чиқариш | Мумтоз кўчаси, 5-уй | 983 | 150 | "ALFAUT" МЧЖ |
| 31 | Омборхона | Уйсозлар кўчаси, 7-уй | 50000 | 150 | "Coscom" МЧЖ ҚК |
| 32 | Савдо дўкони | Илтифот кўчаси, 30-уй | 318 | 150 | Зулфитдинова А.Ш. |
| 33 | Ишлаб чиқариш ҳудуди | Уйсозлар кўчаси, 45-уй | 35000 | 150 | "POD'EMNIK" АЖ |
| | **Жами** | | **256843** | **4950** | |







***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 4-курс талабаси Жалолиддин Саъдуллаев болалигидан ички ишлар органлари соҳасига қизиқади. У олий ўқув юртини тамомлаб, шу соҳада ишлашни мақсад қилган.***

# БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Бугунги тадбир Жалолиддин сингари ёшлар учун айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан университетда ташкил этилган тадбирда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, ички ишлар органларига муносиб номзодлар ишга таклиф этилди.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, қонун ва адолат устуворлиги, халқ манфаатларининг чинакам ҳимоясини таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг хизмати беқиёс эканлиги таъкидланди.

Ички ишлар органлари ходимлари олдига қўйилаётган вазифалар самарали бажарилиши кўп жиҳатдан юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, ёш, билимли, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаган шижоатли кадрларни танлаш ва тарбиялашга боғлиқ.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш, хизматни ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида сифат жиҳатдан янги тизим барпо қилинди.

Соҳага қизиқиши баланд йигит-қизларни саралаб олиш, уларни ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотлар билан яқиндан таништириш мақсадида олий ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирда ҳам ёшларга ички ишлар органларига ишга қабул қилишнинг тартиб-қоидалари, соҳа вакилларига қўйилаётган талаблар, улар учун белгиланган имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

Талаба-ёшлар соҳага доир ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Г.САТТОРОВА**

# ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

***Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Айни шу хусусида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг ҳисоботи ҳамда истиқболдаги мақсад ва вазифалари тўғрисида матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфида 25 та спорт мактаблари фаолият юритаётган бўлиб, булар 1 та Тошкент шаҳар Олий спорт маҳорат мактаби, 4 та Спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 19 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 1 та Футбол бўйича ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернати шулар жумласидандир.

Мазкур иншоотларда ўтган йили 196 та спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Ушбу спорт муассасаларида жами 664 нафар малакали мураббий-ўқитувчилар 17658 нафар спортчи ёшларга ўз билим ва маҳоратларини ўргатиб келмоқдалар.

– 2017 йил барчамиз учун жуда омадли ва ютуқларга бой йиллардан бири бўлди, – дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Анвар Мурсакулов. – Бунга мисол тариқасида шаҳримизнинг спортчилари Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва кубоги мусобақаларида 279 та медалларни қўлга киритганларини айтиб ўтиш лозим. Шулардан 80 та олтин, 92 та кумуш, 107 та бронза. Шунингдек, Тошкент шаҳар терма жамоа аъзолари 274 та Халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 78 та олтин, 117 та кумуш, 183 та бронза, жами 378 та медалларни қўлга киритишди.

Дарҳақиқат, бу каби ютуқларни нафақат Тошкент шаҳри спортчилари, бутун республикамизнинг барча спортчилари ҳам ҳудудларда ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини намоён этдилар ва муносиб ўринларга эга бўлишди.

Анжуман давомида Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг масъул ходимлари бошқарманинг жорий йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалари билан ҳам таништириб ўтишди.

Унга кўра таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган "Маънавият соатлари"ни ташкил этиш, спорт мактабларининг ўқувчи-спортчилари, айниқса қизлар орасида суицид, эрта турмуш қуриш, "Вестернизация-Ғарбга тақлид" каби салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарма тизимидаги муассасалар ўртасида "Спорт соҳасидаги энг яхши инновацион лойиҳа" танловини ўтказиш ва шу каби бир қатор вазифалар кўзда тутилганлиги, шунингдек, спорт мусобақалари ўтказилишини тартибга келтириш мақсадида Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бош бошқармалари, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ва шу каби бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2018 йилга мўлжалланган спорт мусобақаларининг "Ягона календарь режаси" ишлаб чиқилганлиги ва унга кўра, умуман жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этилмаган вояга етмаганлар, шу билан бирга 18-30 ёшдаги уюшмаган ёшларга алоҳида эътибор қаратилиши бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан мутасаддилар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда профессионал спорт клублари ўртасида "Болалар лигаси-2018" спорт мусобақалари, бошқарма тизимидаги спорт таълими муассасалари ўртасида "Ёш чемпионлар", "Олимпиа умидлари", "Олимпиа чўққилари" ва "Футболимиз юлдузлари" каби спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилганлиги айтиб ўтилди.

Мазкур анжуман қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтилди ва оммавий ахборот воситаларининг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Зафар НАЗАРОВ**

**Танловлар**

# ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

***Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Зеро, юртимизнинг ҳар бир дадил одимида, эришаётган ютуқларида хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Яқинда Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Зарарли оқимларга қаршимиз!" шиори остида деворий газеталар танлови эълон қилинди.

Шу муносабат билан Чилонзор туманидаги 178-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида "Қизларжон тўгараги"нинг 9-10-синф ўқувчилари томонидан ташкил этилган "Зукколар" ва "Топқирлар" жамоалари ўртасида "Зарарли оқимларга қаршимиз!" мавзуида танлов ўтказилди.

Иштирокчилар томонидан чизилган расмларда Ватанни севиш, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, юртимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек асраш, терроризм ва унинг салбий оқибатларни бартараф этиш сингари ранго-ранг ижод намуналари акс эттирилган.

Мазкур танловда 9-синф ўқувчиси Бибихоним Норметова 1-ўринга сазовор бўлди. Танлов ўзига хослиги ва барча ёшларга ибратлилиги билан иштирокчиларга ва ташриф буюрган меҳмонларга бирдай манзур бўлди.

**Соҳибжамол ТЕМИРОВА,**
**178-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси**

***Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг "Олмазор ўқув спорт техника клуби" томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди.***

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

Мазкур турнир ўғил-қизлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш мақсадида ўтказилди. Тадбирга Олмазор туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Мусобақалар аввалида сўзга чиққан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг "Олмазор Ўқув СТК" унитар корхонаси раҳбари Зафар Мирзаев, маънавий ташкилий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича раҳбар ўринбосари Азизжон Қаюмов, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Олмазор тумани Кенгаши раиси ўринбосари Ҳусниддин Оноров, Мудофаа ишлари бўлимининг чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи, Қуролли Кучлар хизматчиси Хайрулло Усмонов ва бошқалар келажагимиз бўлмиш ёшларни Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий қутлаб, уларнинг ўқишларида ва жисмоний тарбия билан шуғулланиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритишларида зафар ёр бўлишини тиладилар.

Шундан сўнг мусобақаларга старт берилди. Кескин ва муросасиз тарзда кечган мусобақалар натижаларига кўра, мерганлик бобида 1-ўринни Ж. Холмуҳаммедов эгаллаган бўлса, 2-ўрин М. Қосимовга, 3-ўринга эса Н. Ўдаев лойиқ деб топилди. Спорт тадбири якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Б. ЖЎРАЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор туманидаги 182-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Гўшт 2000 кг – 33000 сўмдан – 66 000 000 сўмни ташкил қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 229-61-73.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси тасарруфидаги енгил автомобилларга йил давомида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишларини олиб бориш мақсадида ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Тижорат таклифини берувчи корхона ўз устахонасига ва юқори савиядаги мутахассисларга эга бўлиши керак. Шунингдек, устахона ва корхона жойлашган манзилдан 5-6 км. радиус узоқлигида жойлашган бўлиши шарт.

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси.

Молиялаштириш: буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел: 241-77-29, факс: 239-35-01. E-mail: info@kadastr.uz.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба – жума кунлари соат 8:00 дан 18:00 га юқорида кўрсатилган телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат таклифлари раҳбар имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги "Bahtiyor Behruz Agro" МЧЖнинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Барча даъволар билан тугатиш суд бошқарувчисига бир ой давомида (90) 260-09-73 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Абдурахманов Шовкат Эркинович, Абдурахманов Шухрат Эркинович, Абдурахманова Моҳира Эркиновна, Ашимова Фотима, Алматова Гўзал Эркиновна, Пўлатова Гулноза Эркиновна номларига турар жой учун М.Улуғбек тумани, Машъал кўчаси, 2-берк, 13-уй учун берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Абдурахимов Ахунджан номига турар жой учун М.Улуғбек тумани, Ш.Бурҳонов 1-тор кўчаси, 18-уй учун берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қибрай туман ҳокимлигида 2011 йил 21 февралда №2756 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "SMART-BUHGALTER" нодавлат таълим муассасаси (СТИР 207110920) ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., Университет кўчаси, 2-уй. Тел: +99890 167-28-59, +99890 932-54-75.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Нурли замин" маҳалласи ҳудудида жойлашган "VERTIKAL" боғдорчилик-узумчилик ширкати ташкилот номини "VERTIKAL SVT" боғдорчилик-узумчилик ширкатига ўзгартирилаётганини маълум қилади.

"VERTIKAL" боғдорчилик-узумчилик ширкатига нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: +99890 904-27-04

М.Улуғбек туманидаги 256-мактаб томонидан 2006 йилда Таджибаев Сарвар Бахтияровичга берилган U № 2277378 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 15.07.2015 йилдаги №008357-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "STANDARD COGNITION" НТМ (ИНН 303396454)

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Олмазор тумани, Қорақамиш 2/1 даҳаси, 28-уй, 10-хонадон


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **23 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10368 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5